Ҳақсевар, она юрт, мангу бўл обод!

# ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ

Вилоят ижтимоий-сиёсий газетаси ◊ TOSHKENT HAQIQATI

1928 йил 11 декабрда асос солинган • 2003 йил 22 октябрь, чоршанба • №86 (11.577) • Эркин нархда сотилади

Вилоят ҳокимлигида

## ОИЛА, ОНАЛИК ВА БОЛАЛИК МУҲОФАЗАДА

*Вилоят ҳокимлиги Оила, оналик ва болаликни ижтимоий муҳофаза қилиш масалалари мажмуининг шу йил 15 октябрда бўлиб ўтган йиғилишида ўтган тўққиз ой мобайнида амалга оширилган ишлар ҳамда 2003 йилнинг тўртинчи чорагида бажарилиши зарур бўлган масалалар кенг ва атрофлича муҳокама этилди.*

Йиғилишда вилоят ҳокимлигининг тегишли бошқармалари, жамоат ташкилотлари раҳбарлари, шаҳар ва туман ҳокимларининг ўринбосарлари, хотин-қизлар қўмиталари раислари иштирок этдилар.

Йиғилишни вилоят ҳокимининг ўринбосари, хотин-қизлар қўмитаси раиси Адиба Аҳмаджонова бошқарди.

Шуни таъкидлаш керакки, вилоятда оналик ва болаликни муҳофаза қилиш, оилалар мустаҳкамлигини таъминлаш борасида муайян ишлар қилинмоқда. Айниқса, аёллар ва ўсиб келаётган авлод соғлиғини яхшилаш юзасидан амалга оширилган тадбирлар натижасида вилоятда оналар ва болалар ўлими кўрсаткичлари пасайди. Оилаларда барқарор маънавий-ахлоқий муҳитни шакллантириш борасида олиб борилаётган ишлар натижасида ажралишлар сони ҳам камайди.

Лекин мажмуа йиғилишида эришилган ижобий натижаларга қарамай, ҳали бу борада жуда кўп ва қаттиқ ишлаш зарурлиги айтилди. Айниқса, ўсмир қизларни турмушга тайёрлаш, нотинч оилалар билан ишлаш, оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш, шунингдек, оилада тиббий маданиятни ошириш, соғлом авлодни вояга етказиш масалалари билан доимий шуғулланиш зарур. Чунки, ҳали бу борада жойларда олиб борилаётган ишлар талабга жавоб бермайди.

Шу куни мажмуа йиғилишида вилоятда тиббий ижтимоий патронажнинг аҳволи, Янгийўл туманидаги Ниёзбош қишлоқ фуқаролар йиғини ҳудудидаги Ойбек маҳалласида «Оила паспорти»нинг татбиқ этилиши тўғрисидаги ва бошқа масалалар ҳам муҳокама этилди ва тегишли қарор қабул қилинди.

«ЭКОЛОГИЯ ВА САЛОМАТЛИК»:

## НАВБАТДАГИ БОСҚИЧ

*Маълумки, халқаро «Экосан» жамғармаси ҳокимликлар билан ҳамкорликда республикамиз Мустақиллигининг 12 йиллигига бағишлаб «Мустақиллик, экология ва халқ саломатлиги» шиори остида уч босқичли «Экология ва саломатлик кунлари»ни ўтказмоқда.*

Ўтган давр мобайнида бу тадбирнинг икки босқичи уюштирилди. Энди эса шу йилнинг 28 октябридан 7 ноябрига қадар унинг учинчи босқичи доирасида белгиланган республика тадбирлари Тошкент вилоятида ўтказилади.

Айни кунларда жойларда «Экология ва саломатлик кунлари»нинг учинчи босқичига алоҳида тайёргарлик кўрилмоқда. Шу муносабат билан қабул қилинган вилоят ҳокимининг фармойишида мазкур тадбир муносабати билан амалга ошириладиган ишлар тўлиқ ифода этилган. Энг муҳими учинчи босқич доирасида атроф-муҳит мусаффолигини сақлаш, ободонлаштириш, кўкаламзорлаштириш масалалари алоҳида ўрин тутган. Биринчи ноябрь куни вилоятда ўтказиладиган оммавий ҳашар ҳам ана шу шиор остида ташкил этилади.

Ушбу тадбирларда шаҳар ва туманлардаги мулк шаклидан қатъи назар барча ташкилот, корхона ва муассасалар жамоалари иштирок этадилар. Ҳашардан тушадиган маблағ вилоятимиздаги ижтимоий-экологик дастурларни амалга оширишга сарфланади.

## ВАЗИФАЛАР БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

*Вилоят ҳокимлигида ҳокимлик ҳузуридаги вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссиянинг навбатдаги йиғилиши бўлиб ўтди. Унда ўтган тўққиз ой давомида амалга оширилган ишлар ва навбатдаги вазифалар муҳокама этилди.*

Йиғилишда вилоят ҳокимлиги қошидаги вояга етмаганлар ишлари билан шуғулланувчи комиссия аъзолари, вилоят ҳокимлиги бўлим ва бошқармалари раҳбарлари, шаҳар ва туман комиссиялари раислари иштирок этдилар.

Уни вилоят ҳокимининг ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев бошқарди.

Маълумки, баркамол авлодни вояга етказиш кўп жиҳатдан ёшлар билан ишлаш, ўсмирларнинг соғлиғини муҳофаза қилиш, соғлом турмуш тарзини шакллантириш, вояга етмаганлар орасида жиноятчилик ва ҳуқуқбузарликнинг олдини олиш масалалари билан узвий боғлиқ. Шунинг учун ҳам республикамизда бу масалага алоҳида эътибор бериб келинмоқда. Бу борада Вазирлар Маҳкамаси томонидан қабул қилинган қарорлар ва дастурлар ижросини таъминлаш юзасидан Тошкент вилоятида ҳам қатор тадбирлар белгиланган. Комиссия йиғилишида биринчи галда жойларда белгиланган режаларнинг қай даражада бажарилаётганлиги, шаҳар ва туман ҳокимликлари қошидаги комиссиялар фаолияти, жамоат ташкилотларининг бу борадаги иштироки чуқур кўриб чиқилди.

Шуни таъкидлаш керакки, сўнгги пайтда ёшлар орасида тарбиявий ишларни янада кучайтириш борасида ижобий натижалар бор. Лекин, йиғилишда таъкидланганидек, ёшлар тарбияси бир кунлик, ойлик ёки йиллик иш эмас. Бу масала ҳамиша комиссиялар, ёшлар, қариялар, хотин-қизлар, маҳалла қўмиталари ва ташкилотлари, бутун жамоатчиликнинг доимий ишидир. Хусусан, йиғилишда бу борада Олмалиқ, Янгийўл шаҳарлари, Оққўрғон, Бўка, Пскент, Паркент, Оҳангарон, Чиноз туманлари комиссияларининг олиб бораётган ишлари талаб даражасида эмаслиги кўрсатиб ўтилди. Айни вақтда шаҳар, туман комиссияларига ички ишлар, халқ таълими, соғлиқни сақлаш бўлим ва бошқармалари, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати, «Маънавият ва маърифат» марказлари, хотин-қизлар қўмиталари, маҳалла фуқаролар йиғинлари ва бошқа жамоат ташкилотлари билан ҳамкорликдаги ишларни кучайтириш юзасидан вазифалар юклатилди.

Йиғилишда кўрилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Пахта — 2003 Пахта — 2003



## УЧИНЧИ ДОВОН САРИ

**Деҳқонларимиз уйган пахта хирмони икки миллион тоннадан ошди.**

Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлигидан олинган маълумотларга қараганда, 20 октябрь куни далаларимиздан қарийб саксон минг тонна хомашё териб олинди. Бу – йиллик режанинг икки фоизидан кўпроғини ташкил этади.

Пахтакорларимиз йил бўйи қилинган меҳнати эвазига етиштирилган ҳосилнинг бир мисқолини ҳам нес-нобуд қилмасдан йиғиштириб олишга ҳаракат қиляптилар. Бу борада Навоий, Бухоро, Тошкент вилояти пахтакорлари намуна кўрсатаётир. Улар кунига режанинг 3-4 фоизи миқдорида пахта топширяпти.

Терим суръатини оширишда пахтакорларга зарур маданий-маиший шароит яратиш, терим ҳақини вақтида тўлашни таъминлаш муҳим омиллардандир. Республика акционерлик-тижорат "Пахтабанк"дан маълум қилишларича, шу кунга қадар теримчиларга қарийб олтмиш миллиард сўм пул тарқатилган.

Банкнинг жойлардаги 190 бўлими ҳамда 229 кичик банк шохобчаси мавсумда фаол иштирок этмоқда. Айниқса, минибанклар фаолиятининг кенг йўлга қўйилгани энг чекка ҳудудларда жойлашган хўжалик ва фермерларга топширилган пахта ҳақини вақтида олишда жуда қўл келмоқда.

***Олим НОРБЕКОВ,***
***ЎзА мухбири.***

**● Вилоят хўжаликларида мавжуд имкониятларни йиғим-теримга тўла сафарбар этишга ҳаракат қилинмоқда. Энг кўп пахта етиштирадиган Бекобод, Бўка, Оққўрғон, Ўртачирчиқ, Қуйичирчиқ туманларида кунига йиллик режанинг 3 фоизидан ошириб хом ашё тайёрлашга эришилмоқда.**

**● Ўтган куни вилоят бўйича қабул пунктларига 8470 тонна пахта топширилди. Бу йиллик режага нисбатан 2,97 фоизга тенгдир. Теримда икки юз мингга яқин киши, 167 та машина, шу жумладан, 157 та «Кейс» комбайни иштирок этди.**



# НИЁЗБОШЛИКЛАР ТАЖРИБАСИ

**бу йилги пахта йиғим-терими мавсумида яна бир бор намоён бўлди. «Ниёзбош» ширкат хўжалигининг давлатга пахта сотиш шартнома режасини бажариши учун 21 кун кифоя қилди.**

Эътироф этиш керакки, у нафақат Янгийўл тумани, балки, вилоятдаги энг йирик, юки салмоқли хўжаликлардан бири. Хўжаликда 2 минг гектардан зиёд майдонда деҳқончилик қилинади. Хусусан, бу йил 1150 гектар ерда пахта етиштирилди. Шартнома бўйича 3131 тонна хом ашё топширилиши керак эди. Шунча ҳосилни етиштириш ва айниқса, уни қисқа муддатда йиғиб-териб олишнинг ўзи бўлмайди. Аммо, ниёзбошликлар бунинг уддасидан чиқишди. Энди уларнинг тажрибасини ҳар қанча тарғибот-ташвиқот қилса арзийди. Чунки, яхши тажриба ҳам — мулк. У қанчалик кенг оммалашса, шунчалик кўп наф беради.

Хўш, хўжаликда бундай ютуққа қандай қилиб эришилди?

— Қозонда бўлса чўмичга чиқади, деган гапимиз бор, — дейди хўжалик бошқаруви раиси Абдуғани Юсупов. — Лекин, чўмични қозонга қачон ва қандай қилиб солишни ҳам эплаш керак. Қозонида бўла туриб, чўмичи бўшлар ҳам учраб туради. Биз шу мантиқдан келиб чиқиб, қолаверса, бу йилги ўзига хос мураккаб шароитни ҳисобга олиб, асосий эътиборни иккита масалага қаратдик. Биринчидан, беистисно ҳамма майдонларда режадагига яраша ҳосил тўплашга эришиш, иложи борича уни эрта етилтириш ва теримда оммавий сафарбарликни таъминлаб, қисқа муддатда йиғиштириб олиш чораларини кўрдик. Аммо, алоҳида таъкидламоқчиманки, биз ҳеч қачон қуруқ тарғибот-ташвиқот қилмаймиз. Чунки, қуруқ ваъданинг умри қисқа. У наф ўрнига зарар келтиради. Хўжалик бошқаруви иқтисодий имкониятлардан келиб чиқиб белгилаган моддий рағбатлантириш шартларига бутун мавсум давомида оғишмай амал қилади. Мана бугун ана шу саъй-ҳаракатларимиз рўёбга чиқди. Пахтакорларимизнинг юзлари ёруғ.

Тан олиш керак, ниёзбошликлар оғир, аммо, шарафли довондан ошдилар. Қозондаги чўмичга чиқаяпти. У ҳали бўшагани, одамлар эса бўшашгани йўқ. Бу — агротехника тили билан айтганда, ғўзага интенсив ишлов беришнинг шарофати. Тинимсиз ёғинлар сабабли кеч экилган, бунинг устига ортиқча намлик эзиб юборган ёш ниҳолларга илиқ ҳарорат, ҳаво керак пайтда бутун куч ва имкониятлар ишга солинди. Кетма-кет культивация, ягана, бегона ўтлардан тозалаш, қўшимча озиқлантириш ишлари уйғун ҳолда олиб борилди. Ишчи кучи ва техника етарли бўлганлиги асқотди. Ана шу тезкор ишлов жараёнида ишнинг сифатига алоҳида эътибор қаратилди. Махсус кузатиш комиссиясининг хулосасига мувофиқ ишни сифатли бажарганларга ун, гуруч, пахта ёғи, пул мукофотлари бериб борилди. Ишловда нуқсонга йўл қўйганлар эса, аксинча, иш ҳақидан ҳам маҳрум қилинди.

Бу йил хўжалик бошқаруви

**(Давоми 2-бетда).**



***СУРАТЛАРДА:** ширкат хўжалиги бошқаруви раиси Абдуғани Юсупов (чапдан иккинчи) бош пудратчи Иброҳим Худайберганов ва ҳозиргача 5-6 тоннадан хирмон уйган она-бола илғор теримчилар Муҳаббат ва Камола Алимовалар билан; ҳар куни хирмонга 130-150 килограммдан пахта тўккан Назира Султонова (пастда) хўжалик кўпминг килограммчиларининг ҳақиқий сардоридир.*

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

● Шу сонга



ЧИНОЗ:

## ЯНА ИККИ ХЎЖАЛИК МАРРАДА

*Чинозликлар ўз анъаналарига содиқ қолиб, бу йилги терим мавсумида ҳам карвонбошиликни қўлдан бермай келмоқдалар. Туман пахтакорларининг кечаги кунгача уйган умумий хирмонлари йиллик режага нисбатан 82 фоиздан ошиб кетди. Бунда айрим илғор хўжаликларнинг ҳиссаси катта бўлаяпти.*

«Эшонобод» ширкат хўжалигидан сўнг Собир Раҳимов номли ва Навоий номли хўжаликлар ҳам давлатга пахта сотиш шартнома режасини муддатидан илгари адо этди. Хусусан, С. Раҳимов номли хўжалик пудратчилари 518 гектар майдондан ўртача 27 центнердан хирмон кўтариб, 1380 тоннадан зиёд пахта хом ашёсининг ҳаммасини биринчи навга сотдилар. Ҳозирнинг ўзида умумий даромад 300 миллион сўмдан ошди. Тоир Шаҳарбоев, Хусан Тўқсонбоев, Икром Сўфиев, Искандар Восиев раҳбарлигидаги оилавий пудратчилар ҳосилдорликни 38-45 центнерга етказдилар.

●

НАВОИЙ номли хўжалик деҳқонлари туманда энг юқори ҳосилдорликка эришдилар. Ҳозиргача улар ҳар гектар майдондан 32 центнердан сифатли ҳосил йиғиштириб олдилар. Умумий хирмон режадаги 1065 тонна ўрнига 1340 тоннага етди. Унинг 1000 тоннаси биринчи навга топширилди. Хўжаликда қўл терими оқилона уюштирилди. Мавсум қизғин паллага кирган кунларда теримда 750-800 киши иштирок этди. Ҳамида Қўчқорова, Умида Мирсобирова сингари чевар теримчиларнинг шу кунгача уйган хирмонлари 4-4,5 тоннага етди.

Ҳар икки хўжаликда йиғим-терим давом этмоқда. Улар яна камида 100 тоннадан пахта топширишни мўлжаллашмоқда.

***Орзиқул МАЪМУРОВ.***

***СУРАТДА:** тумандаги Навоий ширкат хўжалиги транспорт трактори ҳайдовчиси Собир Абдуллаевнинг бугунги ютуқда муносиб ҳиссаси бор. У терилган ҳосилни қабул пунктларига етказиб беришда ҳамкасбларига ўрнак бўлди.*

***Пўлат РАҲИМОВ***
***олган сурат.***

## Ҳиндистон кўргазмаси

*Ўзбекистон Товар ишлаб чиқарувчилар ва тадбиркорлар палатаси Ҳиндистоннинг "SAVERS-IMPEX" компанияси билан биргаликда Ташқи иқтисодий алоқалар агентлиги. Экспортни ривожлантириш кенгаши ҳамда Ҳиндистоннинг мамлакатимиздаги элчихонаси кўмагида ташкил этган "SAVERS MINITECH International ExpoTashkent 2003" кўргазма-савдоси бўлиб ўтди.*

Унда Ҳиндистоннинг тўқимачилик, кимё, фармацевтика, озиқ-овқат, қурилиш материаллари ишлаб чиқариш, матбаа ва қадоқлаш буюмлари саноати учун ускуналар ишлаб чиқарувчи 35 та йирик компанияси иштирок этди.

Кўргазма қатнашчиларига қулайлик яратиш учун "Ўзбеклизинг Интернешнл", "Ўзқишлоқмашлизинг", "Бизнес-фонд", "Барака лизинг" каби республиканинг йирик ташкилотлари шартномалар тузиш ҳамда ускуналар ва технологиялар харид қилишда ўзаро ҳисоб-китобларни амалга оширишда маслаҳат хизматлари кўрсатишни ташкил этди.

Кўргазма-савдонинг муваффақиятини шундан ҳам кўриш мумкинки, қисқа муддатда ўтказилишига қарамай унга республиканинг барча ҳудудларидан турли ташкилотларнинг 2000 дан ортиқ вакили ташриф буюрди. Кўргазмага қўйилган барча ускуналар сотилди, Ҳиндистон компанияларининг умумий қиймати 800 минг АҚШ долларига тенг 300 турдаги ускуна ва технологияларини сотиб олиш ҳақида англашув баённомалари имзоланди.

***ЎзА.***

## ЯПОНИЯДА МАЛАКА ОШИРИШДИ

*Мамлакатимизнинг ўрта махсус, касб-ҳунар таълими тизимидаги бир гуруҳ ўқитувчилар "Ўрта махсус, касб-ҳунар таълимини ривожлантириш" лойиҳасига биноан Японияда малака ошириб қайтди.*

2001 йилнинг 31 январида Япония Халқаро ҳамкорлик банки – JBIC Ўзбекистон ҳукуматига таълим соҳасини ривожлантириш учун кредит ажратган эди. Мазкур кредит асосида JBIC ҳамда Осиё тараққиёт банки томонидан ҳамкорликда молиялаштирилган ушбу лойиҳа қишлоқ хўжалиги соҳасига йўналтирилган касб-ҳунар коллежлари ва академик лицейлар учун замонавий техника, лаборатория ва компьютер жиҳозлари етказиб бериш, дарслик ва ўқув материаллари нашр этиш ҳамда техник ҳамкорликни қамраб олган.

Қишлоқ хўжалигига оид касб-ҳунар коллежларига жиҳозларнинг келтирилиши асосан етти йўналиш – агрономия, ўсимликшунослик, чорвачилик, ветеринария, қишлоқ хўжалиги машиналаридан фойдаланиш ва уларга техник хизмат кўрсатиш соҳаларидан иборат. Шу билан бирга касб-ҳунар коллежлари раҳбарлари ва педагоглар Япониянинг Токио шаҳри ҳамда Миязаки префектурасида янги жиҳозларда иш олиб бориш бўйича ҳам малака оширади.

***Назокат УСМОНОВА,***
***ЎзА мухбири.***

AZIZ D`OSTLAR!

Республика почта алоқа бўлимлари ва газета дўконларида, «Матбуот тарқатувчи» вилоят, туман ва шаҳар бўлимларида **2004 йил учун** бошқа нашрлар қатори **«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ»**га ҳам **обуна** расмийлаштирилиши давом этмоқда.

**Эслатиб ўтамиз: бизнинг индекс – 205.**

«ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ» – СИЗНИНГ ГАЗЕТАНГИЗ!

# МАЪРУЗА ТАҚДИМОТИ

*Бугунги кунда ёши 10-20 да бўлган ўсмирлар сайёрамизда 1.2 миллиард нафарни ташкил этади. Улар қай даражада билим олаётганлиги, соғломлиги, масъулиятни ҳис эта оладиган шахс бўлиши оила, жамоа ва давлатнинг ёш фуқароларга нечоғлик эътибор билан қарашига боғлиқ.*

Пойтахтимиздаги «Шератон» меҳмонхонасида Бирлашган Миллатлар Ташкилоти Аҳолишунослик жамғармаси (UNFPA)нинг 2003 йилдаги тадқиқот натижаларини ўзида жамлаган маърузаси тақдимоти бўлиб ўтди. Бундай маърузалар 1978 йилдан буён мунтазам нашр этилиб, уларда келажакка бевосита дахлдор долзарб вазифа ва муаммолар муҳокама этилади. Навбатдаги маърузада ҳам 10-20 ёшли ўсмирлар ўртасида репродуктив саломатлик, гиёҳвандлик, зўравонлик ва ОИТСга қарши кураш, жинсий тарбия, мажбурий таълим олиш борасида жаҳондаги аҳвол ҳақида қимматли маълумотлар келтирилган.

Тақдимот маросимида қатнашган БМТнинг Аҳолишунослик жамғармаси вакили, жаноб Несим Тумкай ўзининг ўсмирлар тарбиясидаги қимматли фикр-мулоҳазаларини билдириш билан бирга ОАВ ходимларининг кўплаб саволларига жавоб ҳам қайтарди.

**Мурод ВОҲИДОВ.**

# ИЛМИЙ-АМАЛИЙ АНЖУМАН

*Тошкентдаги Темурийлар тарихи давлат музейида республика Фанлар академиясининг Тарих институти ҳамда Голландиянинг Амстердам ижтимоий институти ҳамкорлигида «Шарқда ёшлар ҳаракати» мавзуида илмий-амалий анжуман ўтказилди.*

Қайси бир мамлакатда ёшлар ҳаракати пайдо бўлмасин, уларнинг вакиллари доимо жамиятда тенглик ва адолатнинг таъминланишини тарғиб қилишган. Улар мамлакатда турли ўзгаришлар, янгиликларнинг содир бўлиши учун турфа соҳаларда ислоҳотларнинг амалга оширилиши тарафдори бўлишган.

Халқаро анжуманда тарихчи олимлар, тадқиқотчилар шарқда ана шундай ҳаракатларнинг юзага келиши, уларнинг жаҳон бўйлаб ёйилиши, ўзига хос хусусиятлари ҳақида фикр алмашдилар.

Анжуманда сўзга чиққанлар тадбир тарих фани соҳасида халқаро илмий марказлар билан ҳамкорликни йўлга қўйиш мақсадида ташкил этилганлигини алоҳида таъкидлашди. Олимлар ёшлар ҳаракати тарихи, уларнинг асосий мақсадлари, ҳаракат дастурларини қиёсий таҳлил қилиб, бу йўналишда олиб борилаётган илмий изланишлар, тадқиқотлар натижалари билан ўртоқлашишди.

Жараён

# ИМКОНИЯТЛАР ЯРМАРКАСИ

*Шу куни Чирчиқ гарнизонининг зобитлар уйи ва унинг атрофидаги ҳудудлар жуда гавжум бўлди. Бу ерда навбатдаги меҳнат ярмаркаси ўтказилаётганди. Уни шаҳар меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ташкил этди.*

Тадбирда ўн тўққизта саноат корхонаси, қурилиш ва транспорт ташкилотлари, муассасалар қатнашди. Улардаги бўш ишчи ўринлари тўрт юздан ортиқ эди. Ташкилотчиларга 167 нафар турли ёшдаги фуқаролар иш сўраб мурожаат қилдилар. Улардан 111 нафари ўзлари истаган корхона-ташкилотларга касблари бўйича ишга боришлари учун йўлланмалар олишди.

Йил бошидан бери уюштирилган иккинчи шундай тадбир ҳам ишсизларни иш билан лозим даражада таъминлаш имконини берди. Унда 17 та корхона-ташкилот иштирок этди. 147 нафар фуқаро иш сўраб мурожаат қилди. 142 нафар чирчиқлик ишга жалб қилинди.

Шуни айтиш жоизки, меҳнат ярмаркалари шаҳарда ишсизлик муаммосини ҳал қилишнинг самарали усулларидан бири эканлигини амалда исбот этди. Шунинг учун ҳам бундай тадбирларни ками билан чорак якуни бўйича ўтказиш режалаштирилган ва унга доим амал қилинмоқда. Шу кунларда эса унинг учинчисини ташкил этишга ҳозирлик кўрилмоқда.

Бозор иқтисодиётига ўтиш шароитларида ишсизлик муаммосини енгиллаштиришга ёрдам берадиган бошқа чора-тадбирлардан ҳам фойдаланиляпти. Биринчи навбатда иқтисодиётнинг нодавлат секторини ривожлантиришга алоҳида эътибор бериляпти. Шаҳардаги айрим йирик саноат корхоналари, қурилиш ва транспорт ташкилотларида ишчи-хизматчилар сони қисқартирилиб бораётгани учун меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими шаҳардаги тижорат банклари билан биргаликда хусусий корхоналар очиш, якка тартибда меҳнат билан шуғулланиш истагида бўлган фуқароларни қўллаб-қувватламоқда. Улар ўз фаолиятларини бошлашлари учун зарур маблағларни амалдаги қонун-қоидалар асосида бемалол олишяпти. Айниқса, имтиёзли кредитлар бу борада жуда қўл келаяпти.

Биргина жорий йил бошидан бери «Эргашев», «Бўрибекова», «Ермаков», «Шохобов» каби хусусий корхоналар, «Универмехсервис» масъулияти чекланган жамияти, «Рўзматов», «Стамқулов» деҳқон хўжаликлари шундай кредитлардан фойдаландилар. Улар шаҳар аҳолисига савдо, маиший ва бошқа хизмат кўрсатиш, қишлоқ хўжалик маҳсулотлари етказиб беришга ихтисослашган. Бу мақсадлар учун 32 миллион 220 минг сўм ажратилди.

Кам таъминланган ва ночор оилалар меҳнат фаолияти билан шуғулланишлари учун уларга микрокредитлар ажратиш ҳам кенгайиб боряпти. Уни олиш учун маҳалла кафил бўлса, бас. Йил бошидан бери 13 та шундай кредит берилди ва у 9 миллион сўмдан ортиб кетди. Бундай ажратмаларнинг энг ози энг кам иш ҳақининг 150 баравари миқдорида бўляпти. Ўн битта оиланинг ҳар бирига 680 минг сўмдан кредит берилган бўлса, иккита оиланинг ҳар бири 916 минг сўмдан маблағ олди. Шу тариқа улар ўзларининг даромад манбаларига эга бўлмоқдалар.

Йил бошидан бери жами 2453 фуқаро меҳнат бўлимига иш сўраб мурожаат қилган эди. Уларнинг 1025 нафари, шу жумладан, 313 аёл ишга жойлаштирилди. 162 фуқарога ишсизлик нафақаси тайинланди. Қамоқ муддатини ўтаб келганларнинг йигирма нафарига ҳам иш топиб берилди. Бандлик жамғармаси ҳисобидан ишчи ўринлари барпо этиш бўйича йиллик топшириқ ҳозирнинг ўзидаёқ бир ярим баравар ортиғи билан адо этилди.

Жорий йилда шаҳар бўйича 1600 та, тўққиз ойда эса 1200 та ишчи ўрни барпо этиш режалаштирилган. Шаҳар ҳокимлиги, меҳнат ва аҳолини ижтимоий муҳофаза қилиш бўлими ва бошқа мутасадди идораларнинг шу соҳада биргаликда олиб бораётган саъй-ҳаракатлари туфайли ўтган уч чоракда ташкил этилган янги ишчи ўринлари сони 1226 тага етди. Уларнинг деярли ҳаммаси иқтисодиётнинг хусусий шўъбасига тўғри келади. Юртбошимизнинг кичик ва ўрта бизнес ишсизлик каби муаммони ҳал қилишнинг энг асосий омилларидан бири, деб кўп марта таъкидлашлари бежиз эмаслигини Чирчиқ шаҳри мисолида яққол кўриш мумкин. Иқтисодий ислоҳотлар тобора кенгайиб ва чуқурлашиб бораётган ҳозирги вақтда бу жараённинг ниҳоятда муҳимлигини ҳаётнинг ўзи кўрсатиб турипти.

**Мирсобир МИРҲАМИДОВ.**

Пахта — 2003

# ДАЛА ШИЙПОНИДА ШЕЪРХОНЛИК





*Инсон умри давомида ҳар томонлама кўмак, қўллаб-қувватлашга эҳтиёж сезган дамлар кўп бўлади. Бундай пайтда кўрсатилган эътибор кўпинча самарали натижа беради. Шу сингари дақиқаларни бободеҳқон ҳам йил бўйи бошдан кечиради, десак адашмаймиз. Бу кўмак, руҳан, маънан қўллаб-қувватлаш унинг қўли-қўлига тегмаган айни куз палласида етказилса, айни муддао.*

Яқинда ушбу эзгуликни ўз ўрнида муносиб англаган Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси раиси, Халқ шоири, Ўзбекистон Қаҳрамони Абдулла Орипов бошчилигидаги бир гуруҳ ижод аҳли пахтакорларга маънавий мадад бериш мақсадида Бўка туманидаги «Мустақил Ўзбекистон» ширкат хўжалигига ташриф буюришди. Учрашув хўжаликнинг Ўртатепа қишлоғидаги дала шийпонида бўлиб ўтиб, унда Абдулла Орипов билан биргаликда Сирожиддин Саййид, Маҳмуд Тоир сингари таниқли шоирлар бугунги кунимиз заҳматкашларига янги ижод намуналаридан ўқиб беришди ҳамда ҳосил йиғимида зафарлар тилашди. Ушбу дийдорлашувда вилоят ҳокими ўринбосари Абдукарим Раҳимбердиев иштирок этди.

Дарҳақиқат, эрта баҳорда 980 гектар майдонга яхши ниятлар билан чигит қадаган «Мустақил Ўзбекистон» ширкат хўжалиги деҳқонлари ҳам 2600 тонналик пахта хирмонини ёғин-сочинли кунларга қолдирмай, тезроқ бунёд этиш мақсадида ғайратга-ғайрат қўшиб меҳнат қилишаётир. Шу кунларда йиллик шартнома режасини 70 фоиздан оширган хўжалик пахтакорларига 1760 нафар ҳашарчилар ҳам камарбаста. Кумушой Алимова, Гулноза Абдилова ва Мадина Эркабоева каби чевар теримчилар эса кунига 110-120 килограммдан «оқ олтин» териб, бошқаларга ўрнак бўлаётир.

**Воҳид БОЙМУРОДОВ, «Тошкент ҳақиқати» мухбири.**

**СУРАТЛАРДА:** *учрашувдан лавҳалар.*

**Даврон АҲМАД олган суратлар.**

# ҲАММАСИ ПАХТАКОРЛАР УЧУН

Кишининг кайфияти яхши бўлса, ишида унум бўлади. Буни ҳаммамиз яхши биламиз. Ана шунинг учун ҳам вилоятимизда пахта йиғим-терими мавсумида деҳқонлар, ҳашарчи-теримчиларга маданий-маърифий, маиший, савдо ва тиббий хизмат кўрсатиш ишларини ташкил этишга алоҳида эътибор берилди. Бунинг учун махсус гуруҳ ташкил этилди. Айни кунларда бу гуруҳ аъзолари бевосита далаларда, шийпонларда, дам олиш соатларида ўз хизматларини кўрсатмоқдалар.

Уларнинг тури ранг-баранг. Вилоят маданият ишлари бошқармаси, «Ўзбекнаво» эстрада бирлашмаси ва бошқа бадиий жамоалари дала меҳнаткашларига маданий хизмат кўрсатаётган бўлишса, вилоят ёзувчилар уюшмаси, «Маънавият ва маърифат» маркази қизиқарли мавзуларда учрашувлар, кечалар ташкил этишмоқда. «Вилоятсавдо», «Матлубот-савдо» ҳиссадорлик жамиятлари жойлардаги савдо ташкилотлари билан ҳамкорликда махсус автодўконлар хизматини ташкил этиб, теримчилар ва ҳашарчилар учун зарур бўладиган кийим-кечак, пойабзалдан тортиб, озиқ-овқат маҳсулотларигача етказиб беришмоқда.

Шу кунларда бу гуруҳнинг хизматини истаган туман, хўжаликда кўришингиз мумкин.

**Ўз мухбиримиз.**

# ИШЧИЛАРНИНГ САЛМОҚЛИ УЛУШИ

*Пахта йиғим-терими республикамизда бирон кишини бефарқ қолдирмайди, десам муболаға бўлмас. Ҳозир далаларда деҳқон билан ёнма-ён кўпчилик юртдошларимиз белига этак тутиб ҳашарга чиққан. Ҳамманинг нияти битта: далалардаги ҳосилни ёғин-сочин кунларга қолдирмай, эл ризқи-рўзини тезроқ териб олиш. Биргина Ўртачирчиқ тумани далаларида ҳам минг-минглаб ҳашарчилар қўл теримида фаол қатнашмоқдалар.*

Тумандаги Ўзбекистон пахта саноатига қарашли республика таъминот базаси асосан 100дан зиёд пахта тайёрлаш ва тозалаш заводларига эҳтиёт қисмлари етказиб беради. Демак, хирмонлардан ташиб келтирилаётган ҳосилнинг ўз вақтида қабул қилиниши, тайёрлов ва қайта ишлаш корхоналарининг тўхтовсиз ишлашида бу базанинг ҳам алоҳида хизмати бор.



Бу ерда мавсумни уюшқоқлик билан ташкил этиш мақсадида керакли барча чоралар кўрилмоқда. Республиканинг қайси бурчагидан буюртма келмасин, керакли таъминот ишлари ўша заҳотиёқ амалга оширилмоқда. Албатта, бунда база раҳбарлари ва мутахассисларининг елиб-югуришлари, зарур эҳтиёт қисмлар заҳирасини тўплашлари алоҳида ўрин тутмоқда. Шу билан бирга корхонанинг ишчи ва ходимлари пахтакорларга теримда кўмак ҳам бермоқдалар.

— Пахта ҳосили қанча яхши бўлса ва тезроқ йиғиштириб олинса, ишимизнинг ривожи ҳам шунча юксак бўлади, — дейди база директори Мажид Исмоилов. — Деҳқон меҳнатининг пировард натижаси биз пахта саноати ходимларининг ҳам ютуғидир. Шунинг учун бундай долзарб пайтларда деҳқонларимизга елкадош бўлишни бурчимиз деб тушунамиз.

Дарҳақиқат, база ишчилари бугунги кунда тумандаги «Эгамберди карвон» фермер хўжалигида пахтакорлар билан ёнма-ён туриб меҳнат қилмоқдалар. Улар фермер хўжалиги хирмонига ҳар куни 3-4 тоннадан пахта териб топширмоқдалар. База ишчиларидан Нориниса Ҳасанова, Дилбар Хўжамқулова, Салима Ҳолиқова, Зулҳумор Зариповалар бир кунда 80-100 килограммдан пахта териб, пешқадамликни қўлдан бермаяптилар.

— Ишчиларимизнинг ойлик иш ҳақлари сақланган ҳолда, ҳар беш кунликда 12-15 минг сўмгача пул ишлаб топишмоқда, — дейди база директори ўринбосари Саидумар Маматов. — Уларга даланинг бошида касаба уюшмаси томонидан иссиқ овқат, чой ташкил этдик. Хўжаликка ёрдам бўлсин деган ниятда далага ўзимизнинг трактор билан прицепни ҳам жалб этдик. Бу эса меҳнат унумдорлигининг юқори бўлишига хизмат қилмоқда.

Дарҳақиқат, база ишчиларининг бу фидойиликлари деҳқонларимиз руҳини кўтармоқда. Яна бир эътиборли томони шундаки, ишчилар далада ишлаб топган пуллари ҳисобидан газета-журналларга обуна бўлишни ҳам уюшқоқлик билан ташкил этишмоқда. Жумладан, улар туманда биринчилардан бўлиб, «Тошкент ҳақиқати» ва туман «Машъал» газеталарига ёзилишди.

Биз пахта хирмонимизнинг юксалишига ҳисса қўшаётган бундай фидойилар сафи кўпайсин, деймиз.

**Ҳамид НОРҚУЛОВ.**

**СУРАТДА:** *корхона ишчи-хизматчилари пахта теримида.*

# НИЁЗБОШЛИКЛАР ТАЖРИБАСИ

вазиятдан келиб чиқиб, йиғим-терим иштирокчиларини моддий рағбатлантиришга янгича ёндошди. Аввало, ўтган йилги натижалар таҳлил қилиб кўрилди. Йил якунида мукофотга 120 миллион сўм сарфланган экан. Аммо, айрим пудратчи оилалар 7 тоннагача пахта терган бўлса, баъзиларники 500-600 килограммдан ошмаган. Бу йил эса, вазият ўзгача. Пахта мўл, бироқ, кеч пишди. Ёғин-сочинли кунлар яқинлашиб қолди. Бор ҳосилни тезроқ йиғиштириб олиш керак.

Хўжалик бошқаруви касаба уюшмаси қўмитаси билан йиғим-терим тадбирларини ишлаб чиқиб, 540 нафар оилавий пудратчини клубга таклиф этди. Моддий рағбатлантириш шартлари бирма-бир тушунтирилди. Яъни, беш кунликлар якунида ҳар килограмм қўлда терилган пахта учун 31 сўмдан, трактор тиркамаларида ташилган бир тонна пахта учун 250 сўмдан ҳақ тўлаб борилди. Рағбатлантирувчи мукофотлар эса, йиғим-терим тугаб, якун чиқарилгандан сўнг ҳар кимнинг қўшган улушига қараб берилади.

Шартномани 1-20 октябрь, яъни 20 иш кунида бажариш режалаштирилиб, мукофотлар шартлари шунга мослаштирилди. Чунончи, режасини ана шу муддатдан олдин бажарган учта бригада учун 100.000 сўмдан 300.000 сўмгача мукофот белгиланди.

Қўл терими иштирокчилари мавсум якунида алоҳида рағбатлантирилади. Масалан, шартнома режаси бажарилган кунгача 3 минг килограмм пахта терган пудратчи оилага бир қоп ун, 20 килограмм пахта ёғи ва 100 килограмм шоли берилади. Шундан ортиқ терилган ҳар тонна пахтага бир қоп ун, 10 килограмм пахта ёғи ва 50 килограмм шоли қўшиб берилади. Демак, белгиланган муддатда 6 минг килограмм пахта терган оила 4 қоп ун, 50 килограмм пахта ёғи ва 250 килограмм шоли олади. Бундан ташқари, 5000 килограмм пахта терганларга битта гилам совға қилинади. Ундан ошган ҳар тонна пахтага биттадан гилам қўшилади. Яъни, 7 минг килограмм пахта териб берган оила бошқа мукофотлардан ташқари бирйўла учта гиламли бўлади. Рағбатлантиришнинг ушбу тартиби теримда қатнашувчи маҳаллий аҳолига ҳам қўлланилади. 3 тоннадан кам терганларга мукофот йўқ, фақат ҳар килограмм пахталари учун 31 сўмдан ҳақ оладилар.

Хуллас, моддий манфаатдорликни таъминлашнинг янгича усули кутилган натижани берди. Қўл теримида ҳамон 4 мингдан зиёд киши иштирок этмоқда. Бир неча кун давомида йиллик режанинг 7 фоизидан ошириб пахта топширилди.

Режа бажарилса-да, оммавий сафарбарлик сусайгани йўқ. Чунки, хўжалик бошқаруви моддий рағбатлантиришни янада кучайтирди. Теримчиларга бир кунда терган пахтасининг 40 килограммдан юқорисига 1 килограммдан пахта ёғи қўшиб берилади. Шунинг учун эрта тонгдан қоронғу тушгунга қадар пахтазорлар теримчилар билан гавжум. Ҳосил ҳам мўл. Иккинчи теримнинг ярми турибди. Яна камида 500 тонна пахта топшириш имкони бор.

— Ўзингизга маълумки, республика Вазирлар Маҳкамаси бу йилги пахта ҳосилини қисқа муддатларда ва неснобуд қилмай йиғиштириб олишни таъминлаш мақсадида режага қўшимча топширилган хом ашёга 20 фоиз қўшимча ҳақ тўлашга қарор қилди, — дейди Абдуғани Юсупов. — Бу пахтакорлар учун айни муддао бўлди. Биз ҳисоблаб чиқдик, режадан ортиқча топширилган хом ашёга 20 фоиз устама ҳақ тўланишини эътиборга олсак, эндиги терилаётган пахтанинг ҳар тоннасини ўртача 220 минг сўмдан сотар эканмиз. Демак, соф даромад тайин. Қолаверса, туман ва вилоятимизнинг умумий хирмонига бироз бўлса-да, қўшимча ҳиссамиз бўлади.

(Давоми. Боши 1-бетда).

**Абдусамад ЙЎЛДОШЕВ, «Тошкент ҳақиқати»нинг махсус мухбири.**

# «МИРДАВЛАТ»НИНГ ДАВЛАТИ — ДАЛАДА

*Вазирлар Маҳкамаси қарорига мувофиқ Тошкент вилоятида зарар кўриб ишлаётган, паст рентабелли беш қишлоқ хўжалик корхонаси тугатилди. Шу тариқа яна 209 янги фермер хўжалиги ташкил этилди. Вилоят бўйича фаолият кўрсатаётган фермер хўжаликлари сони 6 минг 700 дан ошди.*

Ўртачирчиқ туманидаги "Мирдавлат" фермер хўжалиги ана шулардан бири. Миршокир Фозилов уни тўрт йил аввал ташкил этган. Натижалар ёмон эмас. Фермер ўтган йили эллик гектар ғаллазорнинг ҳар гектаридан ўртача 35 центнердан дон олган эди. Бу йил у ҳосилдорликни яна ўн центнерга кўтарди.

Бугун фермер даласида иш қизғин. Пахта йиғим-терими авжида. Миршокир аканинг гапига қараганда, "бош қашишга вақт йўқ". Ўн тўққиз гектар майдонда етиштирилган ҳосилни тезроқ йиғиштириб олишдан, аввало, фермернинг ўзи манфаатдор.

– Иккинчи теримга тушдик. Насиб этса, ҳар гектар ердан ўртача 35 центнердан, жами 60 тонна хирмон кўтарамиз,– дейди у. – Пахтачиликдан ҳам яхшигина даромад кўзлаганмиз. Ҳукумат қарорига мувофиқ хомашё харид нархининг оширилгани, шартнома-режадан ортиқча етказиб берилган ҳосил учун 20 фоиз устама ҳақ тўланаётгани кўнгилдаги иш бўлди.

Вилоятдаги фермер хўжаликлари бу йил 22,5 минг гектар майдонда ғўза парваришлади. Улар давлатга 58 минг тонна хомашё сотади. Бу – вилоят ялпи хирмонининг 21 фоизи дегани.

**Неъмат ДУШАЕВ, ЎзА мухбири.**

Жиноятга жазо муқаррар

# НАЗОРАТ ГУРУҲЛАРИ ҲАРАКАТДА

*Вилоят прокуратураси органлари томонидан Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2003 йил 23 сентябрдаги «2003 йил пахта хом ашёсининг сақланишини таъминлаш, нобуд бўлиши, талон-тарож қилиниши ва қонунга зид ҳолда республика ҳудудидан ташқарига олиб чиқиб кетилишининг олдини олиш тўғрисида»ги Фармойиши ва Вазирлар Маҳкамасининг 2003 йил 26 августдаги «2003 йил пахта ҳосилини йиғиштириб олишнинг ташкилий чора-тадбирлари тўғрисида»ги қарори ижросини таъминлаш юзасидан амалий ишлар қилинмоқда.*

Жумладан, вилоят прокурори раҳбарлигида махсус гуруҳ тузилиб, пахтачилик туманларига прокуратура ходимларидан вакиллар бириктирилди ва улар олдига аниқ вазифалар қўйилди. Вилоятдаги барча пахтачилик туманларида ҳам шундай ишчи гуруҳлари тузилди. Республика ҳудудидан четга чиқиш мумкин бўлган барча йўлларда доимий фаолият кўрсатувчи ички ишлар, божхона органлари, чегара қўшинлари ҳамда жамоатчилик вакилларидан иборат назорат постлари ўрнатилди. Қишлоқ хўжалик корхоналари раҳбарларининг экинлар пайҳон қилинишига нисбатан шахсий жавобгарлиги оширилди. Ушбу ишларга жалб қилинган кучларни моддий рағбатлантириш ва уларни тегишли ҳаракатланиш воситалари билан таъминлаш, жамоатчилик ёрдамидан кенг ва унумли фойдаланиш, пахта йиғим-терими мавсуми қатнашчиларига ҳар беш кунда нақд пул билан ҳисоб-китоб қилиш, транш маблағларининг мақсадли сарфланишини таъминлаш чора-тадбирлари кўрилмоқда.

Лекин, шунга қарамай, жойларда баъзи қонун бузилиши ҳолатларига йўл қўйилмоқда ва бунинг келиб чиқиш сабабларини бартараф этиш, олдини олиш юзасидан тегишли прокурор назорати олиб борилмоқда. Жумладан, Чиноз туманидаги Охунбобоев номли ширкат хўжалиги «Очамайли» маҳалласида яшовчи фуқаро Воҳид Саидов нархи 11500 сўмлик 50 килограмм пахта хом ашёсини «Яллама» маҳалласидан айланма йўл орқали Қозоғистон Республикасига олиб кетаётганида ушланиб, унга нисбатан тегишли маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилди ва суд қарори билан 27200 сўм жарима солинди. Қуйичирчиқ туманидаги «Дўстлик» ширкат хўжалигининг пахта даласига шу хўжаликда яшовчи фуқаро Б. Матмусаевнинг бир бош қорамоли тушиб, 5400 сўмлик зарар етказилгани аниқланиб, мол эгасидан зарар ихтиёрий равишда ундирилди. Янгийўл тумани прокуратураси томонидан «Тинчлик» ва «Қовунчи» ширкат хўжаликларида ҳашарчиларнинг ётоқхоналаридаги шарт-шароит, санитария-гигиена қоидалари талабларига тўлиқ жавоб бермаслиги аниқланиб, текшириш натижалари бўйича хўжалик раҳбарларига нисбатан маъмурий жавобгарлик тўғрисида иш қўзғатилган.

Вилоят прокуратураси органлари томонидан мазкур Фармойиш ижроси юзасидан ўтказилган текширишлар натижалари бўйича 10 та тақдимнома киритилди, 157 нафар мансабдор шахслар огоҳлантирилди, 8 киши интизомий, 20 киши маъмурий жавобгарликка тортилди, айбдор шахс томонидан етказилган 125,4 минг сўм зарар ихтиёрий равишда қопланди, битта жиноят иши қўзғатилди. Айни кунларда барча ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар билан ҳамкорликда юқорида зикр этилган Фармойиш ва қарор ижроси юзасидан прокурор назорати янада кучайтирилди.

**Ҳасан ИНОЯТОВ, вилоят прокурорининг катта ёрдамчиси, адлия маслаҳатчиси.**

Асосий Қонунимизни ўрганамиз

# ҚОМУСИМИЗ – БАХТИМИЗ




*99-модда. «Вилоятлар, туманлар ва шаҳарларда (туманга бўйсунадиган шаҳарлардан, шунингдек, шаҳар таркибига кирувчи туманлардан ташқари) ҳокимлар бошчилик қиладиган халқ депутатлари Кенгашлари ҳокимиятнинг вакиллик органлари бўлиб, улар давлат ва фуқароларнинг манфаатларини кўзлаб ўз ваколатларига тааллуқли масалаларни ҳал этадилар».*

Маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари тизимининг бу тарзда белгиланганлиги Ўзбекистон Реопубликаси Конституциясида давлат тизими асосларига ҳаққоний ёндашилганлигининг кўринишидир. Бу давлат ҳокимиятининг вакиллик органлари республиканинг маъмурий-ҳудудий бўлинишининг ҳамма бўғинида албатта тузилади, деган қоидага барҳам берди. Жойларда маҳаллий давлат ҳокимиятининг икки органи ташкил этилади: вакиллик органи ва ижроия органи, яъни жойларда ўз фаолиятини яккабошчилик асосида олиб борувчи ҳокимлик институтлари, Конституцияга биноан вилоятларда, туманларда ва шаҳарларда маҳаллий давлат ҳокимияти вакиллик органлари ташкил қилинади. Туманларга бўйсунадиган шаҳарларда ва шаҳар таркибига кирувчи туманларда давлат ҳокимияти вакиллик органлари ташкил қилинмайди. Жумладан, Тошкент шаҳри таркибидаги туманларда ҳам вакиллик органлари тузилмайди, шунингдек, шаҳарча, қишлоқ ва овулларда ҳам давлат ҳокимияти вакиллик органлари тузилмайди.

Ҳокимиятнинг вакиллик ва ижроия органлари жойларда уларга бериладиган ваколат доирасида мустақил фаолият юритади. Маҳаллий Кенгашлар вакиллик органи ҳисобланади, улар ўз қарорини жамоа асосида қабул қилади. Ҳокимлик институти эса, миллий давлатчилик бошқарувининг тарихий тажрибалари ва анъаналарини ҳисобга олган ҳолда тузилган. Ҳокимлар маҳаллий вакиллик органларига ҳамда ижроия ҳокимиятга раҳбарлик қилади.

Ҳокимлик халқ депутатлари Кенгашлари сессиясига тайёргарлик ишларига раҳбарлик қилади, сессияни чақиради, сессия ҳақида депутатларни ва аҳолини хабардор қилади, сессия ишига раҳбарлик қилади ҳамда сессияда қабул қилинган қарорларни имзолайди.

Халқ депутатлари Кенгашларининг вакиллик характери шундан иборатки, фуқаролар ўз вакилларини бу органларга сайлайдилар. Демак, сайланган депутатлар ўз сайловчилари кафолатини олиб, фаолиятга киришадилар. Президентимиз эътироф этганидек, «Халқ ҳам бевосита, ҳам ўз вакиллари орқали давлат ҳокимиятини амалга оширишда тўлиқ имкониятга эга бўлиши лозим»лиги амалда исботини топади.

Халқ депутатлари Кенгашларига сайланадиган депутатлар орасида аҳолининг ҳамма қатламларига тегишли кишилар, турли касб, турли миллат, турли ёш, турли партия, турли жинс вакиллари бор. Демак, бу орган ҳақиқатан ҳам вакиллик органидир.

Қонунийлик Ўзбекистон Республикасида давлат фаолиятининг муҳим принципларидан бири бўлганлиги каби маҳаллий вакиллик органлари фаолиятига ҳам бевосита тааллуқли. Маҳаллий вакиллик органларининг ваколатлари Ўзбекистон Республикаси қонунлари орқали мустаҳкамланган.

***Эргаш САЙИТОВ,***
***Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги бошқарма бошлиғининг ўринбосари, 2-даражали адлия маслаҳатчиси.***

Миллий дастур

# ЯНГИЛАНГАН ВА ЗАМОНАВИЙ БИНОДА





Яқинда Эшонободда 654 ўринли 20-мактаб биноси қайта таъмирланиб, ўқувчилар ихтиёрига берилди. У жаҳон андозаларига мос равишда пардозланди ва замонавий жиҳозлар билан таъминланди. Бунинг учун 50 миллион сўм маблағ сарфланди. Мактабни янгилаш ишларини тумандаги 33-А механизациялашган кўчма жамлама қурувчилари амалга оширдилар.

***СУРАТЛАРДА:** (чапдан) математика ўқитувчиси Савле Бесенова, мактаб раҳбари Элмира Жуманалиева ҳамда Тулеген Тулибоевлар дарс жараёнларининг бориши ҳақида суҳбатлашмоқдалар; мактаб биносининг умумий кўриниши.*

***Даврон АҲМАД олган суратлар.***

*Вилоятимизда маҳаллалар кўркига кўрк қўшаётган гузарлар, аҳоли саломатлиги йўлида барпо этилаётган қишлоқ шифокорлик пунктлари, янги таълим-тарбия муассасалари сони кўпайиб бормоқда.*

Хусусан, Чиноз туманида ҳам бу йил бир қатор маданий-маиший иншоотлар қуриб фойдаланишга топширилди. А. Худойберганов номли маҳалла гузари, Собир Раҳимов номли ширкат хўжалигидаги қишлоқ шифокорлик пункти ва бошқалар шулар жумласидан.

# «WORLD TRADE NET» – ИШБИЛАРМОНЛАР ДАСТУРИ

*Халқаро Бизнес марказида "World trade net" – Жаҳон савдо тармоғи интернет дастурининг тақдимоти бўлиб ўтди. Уни БМТнинг Халқаро савдо маркази ва Жаҳон савдо ташкилоти ҳамкорликда тақдим этди.*

"World trade net" интернет саҳифаси бутун дунёдаги савдо-сотиқ масалалари билан шуғулланувчи ташкилотлар учун катта ахборот манбаи бўлиб хизмат қилади. У эндиликда юртимиз кичик ва ўрта бизнес вакилларига дунё савдо оламида рўй бераётган янгиликлар, халқаро шартномалар, йўриқномалар ва бошқа зарур маълумотлардан хабардор бўлиш, ўз бизнес фаолиятини Жаҳон савдо ташкилоти талабларига мос тарзда юритишга кўмаклашади.

Ишбилармонларимизнинг халқаро савдо оламида юз бераётган ўзгаришлардан бохабар бўлиб бориши юртимизнинг Жаҳон савдо ташкилотига аъзо бўлиб киришини янада тезлаштиради.

Маълумотларга қараганда, 1998 йилдан бошлаб Осиё, Африка, Марказий Америка, Марказий ва Шарқий Европада қирқдан ортиқ "World trade net" саҳифалари ташкил этилган. Бу эса ушбу мамлакатларда фаолият юритаётган ишбилармонлар ўртасидаги ўзаро ҳамкорликнинг ривожланишига ёрдам бермоқда. Шу боис мазкур дастурга қўшилиш истагини билдираётган давлатлар сони йилдан йилга ортиб бормоқда.

***ЎзА.***

# ТЕЛЕ ДАСТУРЛАР

## ПАЙШАНБА, 23

### «Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Болаликнинг мовий осмони».
2. «Қизиқарли учрашувлар».
10.00, 12.00, 14.00, 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Олтин занжир». Бадиий фильм.
11.30 «Шарқ тароналари».
11.55 ТВ-анонс.
12.05 «Дунё бўйлаб».
12.20 «Тилаклари ойдин қизлар». Ҳамширалар танлови.
13.00 «Ошин». Телесериал.
14.10 «Журналист таҳлили».
14.30 «Умр мазмуни».
14.50 «Оламни асранг!»
«Болалар сайёраси»:
15.10 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси».
2. «Цирк цирк, цирк».
16.10 Футбол. Ўзбекистон чемпионати. «Қизилқум»-«Навбаҳор», «Машъал»-«Самарқанд-Динамо».
17.40 «Харита». Халқаро шарҳ.
18.10 Репортаж.
18.15 «Сиҳат-саломатлик».
18.35 Белбоғли кураш бўйича «Маҳалламиз паҳлавонлари» республика турнири.
19.05 «Хониш». Мусиқий дастур.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 «Оқшом эртаклари».
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Телемулоқот.
21.45 Бир жуфт қўшиқ.
21.55 «Ошин». Телесериал.
22.55 Марказий Осиё ўйинлари кундалиги.
23.15 «Ахборот-дайжест».
23.35-23.40 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: Оқ кабутар.
9.40 «Дангаса қиз», «Қимматбаҳо совға». Мультфильмлар.
10.00 Тонгги сериал: «Живз ва Вустер» 23-қисм (якунловчи)
10.50 Ешлар овози.
11.10 ТВ - адвокат.
11.15 «Гвадалупе». Телесериал.
11.55 Чемпион сирлари (рус тилида)
12.15 Спорт - қитъаси (рус тилида)
12.40 «Умр дафтари» туркумидан: «Ҳамид Сулаймон». Видеофильм 3-қисм.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 Болалар экрани: «Ўрмон эртаклари».
13.45 Интерфутбол.
15.25 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Чекиш соғлиққа зарар».
15.35 Мусиқий лаҳзалар.
15.45 ТВ - анонс.
15.50 «Аҳмад қаерда». Бадиий фильм.
17.15 Кўрсатувлар дастури.
17.20 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой театри, Болалар шеърияти.
17.35 «Саёҳат», «Бузоқча». Мультфильмлар.
18.00 ТВ – анонс.
18.05 Ракурс.
18.25 Табобат оламида.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» – интервью.
19.50 «Coscom» хабарлари.
19.55 Мутолаа. Мумтоз япон шеърияти.
20.15 Ёшлар овози.
20.35 ТВ - адвокат.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Мезон.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: Интерфутбол.
23.35-23.40 Хайрли тун.

### «Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Банкок-Хилтон».
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.40 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Навниҳол».
18.30, 20.00, 20.50, 22.25 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.05 «Хориж хабарлари».
19.10 ТТВда сериал: «Ой нури агентлиги».
20.20 «Бурч ва масъулият».
21.05 «Эл хизматида».
21.25 «Тошкент ва тошкентликлар».
21.45 ТТВда сериал: «Лўлининг бахти».
22.45 Кинонигоҳ. «Есения». 1-2-сериялар.
00.45-00.50 Хайрли тун, шаҳрим !

### «Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.00 – 7.00.
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.45 «Мультсеанс».
17.05 «Евроньюс» янгиликлари.
17.20 Е. Петросяннинг Кулгу панорамаси.
17.50 «Ишонч ва муҳаббат замини». Сериал.
18.50 «Қочиш». Сериал.
20.00 «Время».
20.30 «Бизнес ревю».
20.35 «Экспромт».
20.55 «Ишбилармон кишилар».
21.15 «Кулгу плюс».
21.30 «FCN Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
21.40 Кинематограф. «Менинг дадам қаҳрамон». Бадиий фильм.
23.05 «Ахборот».
23.40 Кинематограф. «Саргузашт излаб». Бадиий фильм.
1.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### 30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телеҳамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнжерс ёки кучли рейнжерлар» Сериал. 10.40, 16.00 "30"да спорт. 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Этик кийган Золушка». Комедия. 13.30 "У қотилликни баён этди". Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.40 Ҳужжатли сериал. 18.00 «30-канал» кинооқшоми: «Югур Лола, югур». 19.30 "Ошиқона". Мусиқий дастур. 19.45 "Турецкий марши". Сериал. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми. «Тангри курол-аслаҳалари». 23.15 Спорт дастури.

## ЖУМА, 24

### «Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон!»
8.00 -8.35 «Ахборот».
8.35 , 17.55 ТВ маркет.
8.40 Газеталар шарҳи.
«Болалар сайёраси»:
9.00 1. «Сеҳрли ҳарфлар оролчаси».
2. «Цирк, цирк, цирк».
10.00 , 12.00, 14.00 , 18.00 Янгиликлар.
10.05 «Кулол ва хумча». Бадиий фильм.
11.20 «Сиҳат-саломатлик».
11.40 «Давр садолари» фестивали.
12.05 «Ўзбектелефильм» намойиши: Болалар учун фильм. «Баланд тоғлар остида». 2-қисм.
12.35 «Ҳаёт ва қонун».
13.00 «Ошин». Телесериал.
14.10 Телемулоқот.
14.50 Кундузги сеанс: «Нотаниш ворис». Бадиий фильм.
16.10 «Озод юрт одамлари».
16.30 ТВ анонс.
«Болалар сайёраси»:
16.35 1. «Ёш юлдузлар».
2. «Уйла, Изла, Топ!»
17.35 «Дип-интервью».
17.50 ТВ клип.
18.10 «Чорраҳа».
18.25 Бадиий кенгашдан сўнг.
18.40 «Агар Сиз». Ток-шоу.
19.05 «Ҳидоят сари».
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 Бир жуфт қўшиқ.
20.30 «Ахборот».
21.05 «Муносабат».
21.35 ТВ клип.
21.40 «Ошин». Телесериал.
22.40 Марказий Осиё ўйинлари кундалиги.
23.00 «Оталар сўзи - ақлнинг кўзи».
24.00 «Ахборот-дайжест».
00.20-00.25 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 ТВ - анонс.
9.20 «Янги авлод» студияси: Кичкинтой театри, Болалар шеърияти.
9.35 «Мульттомоша».
9.50 Жаҳон жуғрофияси.
10.40 «Давр»-интервью.
10.55 ТВ – анонс.
11.00 Жар ёқасида.
11.15 ТВ - адвокат.
11.20 «Гвадалупе». Телесериал.
12.00 Ёшлар овози.
12.20 «Coscom» хабарлари.
12.25 Мезон.
12.45 «Шарқ тароналари» фестивали оҳанглари.
13.00 Давр.
13.10 ТВ - анонс.
13.15 Ҳар соҳага саёҳат.
13.35 Ракурс.
13.55 Интерфутбол.
15.35 «Юртим кўрки» туркумидан: Самарқанд маҳаллалари 1-қисм.
15.55 «Олтин тақа». Мультфильм.
16.05 ТВ - анонс.
16.10 «Юртим кўрки» туркумидан: Самарқанд маҳаллалари 2-қисм.
16.30 «Изтопар». Бадиий фильм.
17.55 Кўрсатувлар дастури.
18.00 «Янги авлод» студияси: У ким? Бу нима?
18.20 «Серғайрат кампир». Мультфильм.
18.30 Аскар мактублари.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» нигоҳи.
19.55 ТВ - анонс.
20.00 Мусиқий лаҳзалар.
20.10 Азизим.
20.35 ТВ – адвокат.
20.40, 21.25, 22.35 Эълонлар.
20.45 «Гвадалупе». Телесериал.
21.30 Қишлоқдаги тенгдошим.
21.50 Олтин мерос.
22.00 Давр.
22.40 ТВ – анонс.
22.45 «Ёшлар» телеканалида спорт дастури: 1.Футбол плюс, 2.Ринг қироллари.
0.05 – 0.10 Хайрли тун.

### «Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Банкок-Хилтон».
17.55 «Хориж хабарлари» (рус)
18.00, 20.35 «Экспресс» телегазетаси.
18.10 «Биз ва болалар».
18.30, 20.00, 20.45, 21.50 «Пойтахт» ахборот дастури.
18.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.05 «Хориж хабарлари».
19.10 ТТВда сериал: «Ой нури агентлиги».
20.20 «Навбатчи қисм».
21.00 ТТВда сериал: «Борже узуги». 1-қисм.
22.10 Кинонигоҳ. «Шамолларда қолган ҳисларим». 1-қисм.
23.40-23.45 Хайрли тун, шаҳрим !

### «Халқаро» телеканал

БИРИНЧИ КАНАЛ. 6.00 – 7.00.
16.30 Кўрсатувлар тартиби.
16.35 «Вести».
16.45 «Бинафша».
17.10 «Евроньюс» янгиликлари.
17.30 Ҳужжатли детектив.
18.00 «Олам бўйлаб».
18.50 «Мўъжизалар майдони».
20.00 «Время».
20.30 «Бизнес-ревю».
20.35 «Дурдаршан».
21.00 «Спорт технологияси».
21.15 «Авиация дунёси».
21.35 «Кинопрофи».
21.50 Нима? Қаерда? Қачон?
23.10 «Хит парад».
23.40 «Ахборот».
00.15 «Тунингиз осуда бўлсин!»

### 30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.30, 20.45 «Телеҳамкор». 9.30, 14.10 Болалар соати. 10.15 «Пауэр Рейнжерс ёки кучли рейнжерлар» Сериал. 10.40 "Кикбоксинг империяси". 11.10 «Тез ёрдам». Сериал. 12.00 «Тангри қурол-аслаҳалари». Комедия. 13.30 "У қотилликни баён этди". Телесериал. 15.00 Телешоу. 16.00 "30" да спорт. 16.40 «Ҳужжатли сериал». 18.00 «30-канал»да ринг қироллари. 18.50 Юмор дастури. 19.30 "Ошиқона". Мусиқий дастур. 19.45 "Турецкий марши". Сериал. 21.05 "Клип-совға". Телетабрикнома. 21.20 «Хайрли тун, кичкинтойлар!». 21.30 «30-канал» кинооқшоми. «Харт уруши». 23.15 Спорт дастури.

## ШАНБА, 25

### «Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 Газеталар шарҳи.
8.55 ТВ-анонс.
9.00 «Мусиқа дунёси». Телеальманах.
«Болалар сайёраси»:
9.20 1. «Ёш юлдузлар».
2. «Уйла, Изла, Топ!» Телемусобақа.
10.20 «Ҳидоят сари».
10.40 «Бу турфа олам».
11.30 «Қалб гавҳари».
11.50 «Нофелет қаерда?» Бадиий фильм.
13.15 ТВ-анонс.
13.20 «Адабий жараён».
13.40 «Ошин». Телесериал.
14.40 «Изҳор». Мусиқий телемонолог.
14.55 «Алмандар уйланармиш». Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрининг спектакли. 1-қисм.
15.55 «Ягона оилада».
16.25 «Алмандар уйланармиш». Муқимий номидаги ўзбек давлат мусиқий театрининг спектакли. 2-қисм.
17.00 «Мувозанат».
17.20 «Бир кулишайлик».
17.35 «Бугуннинг одамлари».
17.40 Эстрада тароналари.
17.55 «Саргузаштлар ороли». Телешоу.
18.25 «Рангин дунё».
18.45 «Интеллектуал ринг». Телеўйин.
19.25, 19.55, 20.25, 21.00 Эълонлар.
19.30 «Ахборот» (рус тилида)
20.00 Оқшом эртаклари.
20.15 FCN «Ўзбекистон янгиликлари» (инглиз тилида)
20.30 «Ахборот».
21.05 Рамазон туҳфаси: «Истиқлол неъмати».
21.35 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
22.10 «Оламга саёҳат».
22.30 «Гап чиқди». Телешоу.
23.05 Марказий Осиё ўйинлари кундалиги.
23.25 «Ахборот-дайжест».
23.45 «КиноТеатр».
00.05-00.10 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 Давр.
9.15 «Давр» нигоҳи.
9.40 ТВ – анонс.
9.45 «Янги, авлод» студияси: У ким? Бу нима?
10.00 «Уч қурбақа». Мультфильм.
10.10 Табобат оламида.
10.35 Ринг қироллари.
11.25 «Ниҳол» мукофоти совриндорлари куйлайди.
11.40 «Гвадалупе». Телесериал.
12.20 Кутилмаган меҳмон.
12.40 «Бир бола тарихи». Бадиий фильм.
14.10 Озод юрт фарзандлари.
14.30 «Экспедиция». Кўп қисмли ҳужжатли сериал.
15.20 Қишлоқдаги тенгдошим.
15.40 «Қаҳқаҳа» театр - студияси намойиш этади.
16.10 «Учинчи сайёра». Маърифий дастури.
17.00 ТВ – анонс.
17.05 Кўрсатувлар дастури.
17.10 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.
17.35 «Мульттомоша».
17.50 Бола тилидан.
18.20 Жасур Мирсоатов куйлайди.
18.40 Каталог.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 Давр.
19.35 «Давр» - репортаж.
19.45 ТВ – анонс.
19.50 Мусиқий лаҳзалар.
20.00 Ҳандалак.
20.30, 21.10, 22.35 Эълонлар.
20.35 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: »Лафз». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм 1-қисм.
21.15 Оҳанрабо.
22.00 Давр.
22.40 ТВ-анонс.
22.45 Кинотақдим.
23.05 «Интернет». Бадиий фильм.
0.50-0.55 Хайрли тун.

### «Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Банкок-Хилтон».
17.55 «Мультчархпалак».
18.15, 21.45 «Экспресс» телегазетаси.
18.25 «Билим» телеклуби.
18.40 «Афиша».
19.00 «Мисли гавҳар».
19.15 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
19.35 «Жаҳон географияси».
20.05 «TV плюс».
20.35 «Хусусийлаштириш: қадам-бақадам».
20.55 ТТВда сериал: «Борже узуги». 2-қисм.
21.55 Кинонигоҳ. «Шамолларда қолган ҳисларим». 2-қисм.
23.25-23.30 Хайрли тун, шаҳрим!

### «Халқаро» телеканал

9.05 Кўрсатувлар тартиби.
9.10 «Лаззат».
9.30 «Уйга қайтиш. Н. Королева. Киев».
10.20 Премьера.
11.00 Болалар соати: «Сотилган Кулгу». Бадиий фильм 2-қисм.
12.00 «Эслашлари учун. А. Фатюшин».
12.40 «Табиатшунос билан саёҳат».
13.15 «Дисней клуб».
13.40 «Ақллилар».
14.20 CFI тақдим этади: «Илм-фан афсонаси».
15.10 Дўстлик видеоканали: «Бағри кенг Ўзбекистон», «Бизнен мирас», «Немис шарҳи».
16.10 Йил қўшиқлари. Куз.
18.00 «Ким миллионер бўлишни истайди?» Телеўйин».
19.00 «Сўнгги қаҳрамон».
20.00 «Время».
20.30 «Ютуқ». Телеўйин.
21.30 «Олтин граммофон».
22.30 А. Шварценеггер, Х. Форд, В. Дизель «Йилнинг энг зўр кинотрюклари» кўрсатувида.
00.20 «Ахборот».
00.55 «Тунингиз осуда бўлсин».

### 30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 17.40, 20.45 «Телеҳамкор». 9.30 «Динозаврлар». Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 11.30 «Маърифий дастур». 12.00 Оилавий кино. "Харт уруши". 13.40 Шоу дастури. 14.30 Ҳинд киноси. 17.00 Телеўйин. 18.10 «30-канал» кинооқшоми. "Аждаҳо йўли". 19.45 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 20.00 «Спорт-экстрим». 20.30 "Клип-совға". Телетабрикнома. 21.05 «Тайга». Сериал. 22.00 «30-канал»да кинооқшом. "Ўлгин, лекин ҳозир эмас". 24.00 Мусиқий дастур.

## ЯКШАНБА, 26

### «Ўзбекистон» телеканали

6.00 «Ассалом, Ўзбекистон».
8.00-8.35 «Ахборот».
8.35 ТВ-анонс.
8.40 «Камалак». Болалар учун кинодастур.
9.25 «Санъатга бахшида умр».
9.45 «Бир кулишайлик».
10.00 «Ватанимга хизмат қиламан».
11.00 «Она меҳри».
11.20 «Бу турфа олам».
12.10 «Рақибингиз гроссмейстер».
12.30 «Интеллектуал ринг». Телеўйин.
13.10 ТВ-анонс.
13.15 «КиноТеатр».
13.35 «Кичкина табиб». Бадиий фильм.
15.05 «Гап чиқди». Телешоу.
15.40 «Маърифат». Телеальманах.
16.00 ТВ клип.
16.10 «Қорақалпоқнома».
16.30 «Обод уйда пок одамлар яшайди».
17.05 Рамазон туҳфаси: «Рамазон фазилатлари».
«Болалар сайёраси»:
17.25 1. «Соғлом танда - соғ ақл».
2. «Олтин тож». Телевизион ўйин.
18.25 «Оқ ва қора». Телешоу.
19.05 ТВ клип.
19.10 «Бизнес ҳафта».
19.25, 20.00, 20.25, 21.10 Эълонлар.
19.30 «Таҳлилнома» (рус тилида)
20.05 «Кўрсатувдан-кўрсатувгача».
20.30 «Таҳлилнома».
21.15 «Кун меҳмони».
21.25 «Қўшиғимиз Сизга армуғон».
21.45 «Яхшилик».
22.25 Марказий Осиё ўйинлари кундалиги.
«Якшанба кинозали»:
22.45 «Ўзбектелефильм» намойиши: «Тақдир йўллари». Бадиий фильм. 1-қисм.
23.55-24.00 Ватан тимсоллари.

### «Ёшлар» телеканали

6.55 Кўрсатувлар дастури.
7.00 «Мунаввар тонг». Информацион дам олиш дастури.
9.00 ТВ-анонс.
9.05 «Давр» - репортаж.
9.15 «Янги авлод» студияси: Бўш ўтирма.
9.40 Қувноқ стартлар.
10.10 Болалар экрани: «Яшил водий сари».
11.10 Очил дастурхон.
11.30 «Ўзбеккино» тақдим этади: «Қўқанди латиф».
11.45 Аскар мактублари.
12.05 Чемпион сирлари.
12.25 «Лафз». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм 1-қисм.
13.00 Оҳанрабо.
13.40 «Қилни қирқ ёриб...» интеллектуал ўйин.
14.30 Ўзбек Давлат консерваторияси талабалари куйлайди.
14.45 «Экспедиция». Кўп қисмли ҳужжатли сериал.
15.35 Азизим.
16.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Келажакнинг ёруғ йўли».
16.30 Ёшлар овози.
16.50 «Ёрилтош». Видеофильм.
17.20 ТВ - анонс.
17.25 Кўрсатувлар дастури.
17.30 «Янги авлод» студияси: Катта танаффус, Бахтли болалик.
18.05 «Мульттомоша».
18.35 Спорт ҳафтаномаси.
18.50 Олтин мерос.
18.55, 21.55 Иқлим.
19.00 «Давр»-news.
19.15 ТВ - анонс.
19.20 Ғазал соғинчи. Навоий ғазали.
19.40 Мусиқий лаҳзалар.
19.50 Сув – ҳаёт манбаи.
19.55, 20.35, 22.30 Эълонлар.
20.00 «Ўзбектелефильм» намойиш этади: «Лафз». Кўп қисмли телевизион бадиий фильм 2-қисм.
20.40 Мутолаа. Асқад Мухтор.
21.00 «Заковат». Саралаш ўйинлари.
21.45 Олтин мерос.
22.00 «Давр» ҳафта ичида.
22.35 ТВ-анонс.
22.40 «Грейс ва Глория қиссаси». Бадиий фильм.
0.15 – 0.20 Хайрли тун.

### «Тошкент» телеканали

17.10 Кўрсатувлар тартиби.
17.20 ТТВда сериал: «Банкок-Хилтон».
17.55 «Эртакларнинг сеҳрли олами».
19.35, 22.05 «Экспресс» телегазетаси.
19.45 «Табриклаймиз-қутлаймиз».
20.05 «Жаҳон географияси».
20.35 «Шунақа гаплар». Ҳажвий кўрсатув.
20.55 «Озод ва обод юрт».
21.15 ТТВда сериал: «Борже узуги». 3-қисм.
22.15 Кинонигоҳ. «Мафтунингман».
23.35-23.40 Хайрли тун, шаҳрим!

### «Халқаро» телеканал

8.55 Кўрсатувлар тартиби.
9.00 «Инглиз тили курси».
9.10 Д. Криловнинг «Йўлда ёзилмаган қайдлари».
9.30 «Ҳамма уйдалигида».
10.10 «Уйғоқ кайфият». Информацион-дам олиш кўрсатуви.
11.40 «Ошхонада инглизча гаплашамиз».
11.50 «Экран зийнати ва қиймати».
12.15 «Соғлом овқатланиш сирлари».
12.25-13.45. Дўстлик видеоканали: «Дидар», «Айчурек», «Гардўшлў дунёсинда», «Чинсэн».
14.55 Кўрсатувлар тартиби.
15.00 Н. Басков, Л. Лешенко, Н. Бабкина, Д. Руссос, «Бони-М», «Баккара» катта концерт дастурида.
17.00 «Билишни истайман».
17.15 «Соғинч».
17.35 «Дунёга назар».
18.00 КВН-2003 Олий лига.
20.00 «Тенгдошлар».
20.40 Кинематограф. «Стенли ва Айрис». Бадиий фильм.
22.20 «Любэ» гуруҳи ижросидаги концерт дастури.
23.00 Бокс. Рой Джонс – Деррек Хармон.
00.10 «Таҳлилнома».
00.50 «Тунингиз осуда бўлсин».

### 30-канал

9.00 Дастурнинг очилиши. 9.05, 11.30, 17.40, 20.45 "Телеҳамкор". 9.30 "Динозаврлар". Мультсериал. 10.00 Болалар учун фильм. 12.00 Оилавий кино. "Ўлгин, лекин ҳозир эмас". 14.30 Кундузги кинозал: «Малиновкада тўй». 16.10 Маърифий дастур. 16.40 Мусиқий дастур. 17.00 Телеўйин. 18.10 "30-канал" кинооқшоми: «Жонни-мнемоник». 19.45 «Ошиқона». Мусиқий дастур. 20.00 «Спорт-экстрим». 21.05 «Тайга». Сериал. 22.00 "30-канал"да якшанба кинооқшоми. «Уруш итлари». 23.45 Спорт шарҳи.

# ЯНГИ ФИЛЬМ ТАҚДИМОТИ

*Тошкентдаги «Реал Синема» кинотеатрида «Буюртма севги» фильмининг тақдимоти бўлиб ўтди.*

Кейинги пайтларда юртимиз кино экранларида давлат студиялари қаторида хусусий студиялар ҳам ўз асарларини намойиш қилмоқда. Шундай хусусий студиялардан бири «Байрам Синема» ўз фильмларини мамлакатимиз кино бозорига тақдим қилди.

Фильм продюссерлари халқаро кино жараёнларнинг талабларига жавоб беришга интилишаркан, ушбу картинани яратиш ишларига тажрибали ўзбек киночиларини жалб этишга ҳаракат қилишди. Мазкур фильм сценарийси Маҳмуд Тўйчиев қаламига мансуб. Режиссёр Исамат Эргашев, картина лавҳаларини оператор Султон Мирзааҳмедов суратга олди.

***«Туркистон-пресс».***

# ALLEGRI ТОШКЕНТДА

*Буюк Британиянинг энг нуфузли торли квартети Allegri биринчи марта Ўзбекистонга келмоқда.*

Квартетнинг бугунги иштирокчилари бундан ярим аср илгари тўрт нафар истеъдодли созандалар бошлаган анъаналарнинг давомчилари бўлиб, улар мумтоз ва романтик камер мусиқаларидан иборат бой репертуарга эга.

Жамоага 25 йилдан буён раҳбарлик қилаётган Питер Картер ва унинг сафдошлари Пэл Бэнда, Доротея Фогел ва Рафаэл Тодеслар камер мусиқаси бўйича жаҳон тажрибасини квартетга олиб киришаётир. Allegri бугунги кунда ҳам кўплаб мумтоз мусиқа мухлислари қалбларини забт этмоқда.

Созандалар Бетховеннинг 17 та квартетидан ташкил топган Туркумни жаҳондаги энг етакчи ансамбллардан ҳам аъло даражада ижро этишади.

Allegri ўзининг ярим асрлик тўйини Европа, Шимолий Америка, Жанубий Африка ҳудудлари бўйлаб гастрол сафарлари билан нишонламоқда.

***«Туркистон-пресс».***

# «TITF-2003»

*Тошкентда анъанавий «TITF-2003» кўргазмаси очилди. Кўргазма ташкилотчилари Буюк Британиянинг ITE Group PLC кўргазмалар компанияси ҳамда унинг Ўзбекистондаги ҳамкори Itesa-Osiyo ҳисобланади.*

— Кўргазмага туризм соҳасининг саккиз минг нафар мутахассиси жалб қилинган, — деди Itesa-Osiyo компанияси менежери Нодира Аҳмадкулова. — Кўргазма авиайўналиш ва авиаагентлик, туризмда ахборот технологиялари, экология туризми каби йигирмага яқин бўлимлардан иборат бўлиб, унда дунёнинг 15 мамлакатидан 45 та компания қатнашиши кўзда тутилмоқда. Улар орасида British Airways, Кипр, Миср, Словакия давлатларидаги туристик компаниялар сайёҳларга танишдир. Шунингдек, мамлакатимиздаги Beldersay, Chimgan, Chorvac ва «Бухоротуризм» компаниялари ҳам иштирок этади. «TITF-2003»нинг асосий мақсадларидан бири ички ва ташқи сайёҳлик соҳасини мувофиқлаштириш, республикамиздаги сайёҳлик компанияларига ҳамкорлик алоқаларини ўрнатишда кўмаклашиш ҳамда хорижлик компанияларни мамлакатимиздаги сайёҳлик ташкилотлари билан таништиришдан иборатдир.

Таъкидлаш жоизки, Ўзбекистонда 2500 йиллик тарихга эга 4000та меъморий ёдгорликлар жойлашган. Уларнинг ҳаммаси дунё аҳамиятига эга бўлган ёдгорликлар ҳисобланади. Шунингдек, қадимда мамлакатимиз ҳудудидан ўтган «Буюк ипак йўли», кўҳна шаҳарларимиз Самарқанд, Бухоро, Хива ва Шаҳрисабз «Дунё мероси» рўйхатига киритилган ва ЮНЕСКО томонидан қўриқланади. Кўҳна ва навқирон шаҳарларимиз ўз тарихи ва келажаги билан йилдан-йилга сайёҳларни кўпроқ жалб қилмоқда.

# ГРИПП — МАВСУМИЙ ХАСТАЛИК

*Ёмғирли, совуқ кунлар тушиши билан ушбу вирусли инфекция тарқала бошлайди. Соғлиқни сақлаш вазирлигидан олинган маълумотларга кўра, бу йилги куз-қиш мавсумида республикамизда А туридаги икки хил — H1N1 ва H2N2 грипп касаллиги тарқалиши мумкин. ЎзА мухбири Ўзбекистон Республикаси бош давлат санитария шифокори, Соғлиқни сақлаш вазирининг ўринбосари Бахтиёр НИЁЗМАТОВдан бу борада кўрилаётган чора-тадбирлар хусусида сўзлаб беришни илтимос қилди.*



— Гриппнинг ушбу икки тури бизга яхши маълум. Улар ўтган йилларда ҳам тарқалган эди. Шу боис уларнинг тарқалишига қарши курашиш услуби ишлаб чиқилган. Сентябрь ойи бошида соғлиқни сақлаш вазирлиги республика санитария ва эпидемиология назорати хизмати билан ҳамкорликда грипп ҳамда эпидемиянинг олдини олиш чораларига бағишланган анжуман ўтказди. Унда барча вилоятлардан умумий тиббиёт тармоғи вакиллари санитария-эпидемиология хизмати ходимлари иштирок этди. Тадбирга таклиф этилган Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилоти экспертлари ва энг яхши мутахассисларимиз уларни касалликнинг клиник кечиши, унинг олдини олиш, даволаш ва асоратидан огоҳлантириш борасидаги янги тадқиқотлар билан таништирди.

Соғлиқни сақлаш вазирлиги ҳузурида грипп ва бошқа ўткир респираторли вирусли инфекциялар тарқалишининг олдини олиш бўйича республика штаби тузилди. Республикамиз ҳудудида ушбу инфекциялар бўйича эпидемик барқарорликни таъминлашга қаратилган чора-тадбирлар мажмуи ишлаб чиқилди. Хориждан гриппга қарши вакциналарнинг 150 мингга яқин дозаси сотиб олинди. Аҳолини, биринчи галда касалликка чалиниш хавфи юқори бўлган кишиларни эмлаш бошланди. Болалар боғчалари, даволаш-профилактика муассасаларида, давлат қарамоғидаги етим болалар, ёлғиз кексалар ва ногиронлар бепул эмланмоқда. Бундан ташқари, республикамизнинг барча ташкилот ва корхоналарига ходимларини ўз вақтида эмлаш зарурлиги ҳақида тавсияномалар берилди. Бунинг учун керакли бўлган препаратларни сотиб олиш сарф-ҳаражатлари иқтисодий жиҳатдан ўзини оқлайди. Чунки эмлаш одамларнинг касалликка чалинишини анча камайтириб, уларнинг фаолиятида узилиш бўлишига йўл қўймайди.

Вирусли инфекцияларни идентификациялаш ва тарқалишини кузатиш уларга қарши самарали курашиш омилларидан бири саналади. Бу иш билан пойтахтимиз ва вилоятлардаги санитария-эпидемиология назорати тизимида фаолият юритадиган 20 та вирусология лабораторияси шуғулланмоқда. Йил давомида ушбу лабораторияларнинг моддий-техника базаси мустаҳкамланиб, керакли тиббиёт асбоб-ускуналари билан жиҳозланди.

Аҳоли, ташкилотлар ва муассасаларга грипп ва ўткир респираторли вирусли инфекцияни қўзғатадиган вируслар тарқалишидан огоҳ этиш учун тавсияномалар тарқатилди. Шифокорлар ушбу инфекциялар тарқалиши мавсумида оммавий тадбирлар ўтказишни камайтиришни маслаҳат беради. Кинотеатрлар, видеозалларда сеанслар оралиғидаги вақтни узайтириш, ўқув юртларида машғулотлар орасидаги танаффусда синфлар ҳавоси алмаштирилиб, унинг полини артиш керак. Бундай чоралар одамлар гавжум бўладиган барча жойда қўлланилиши лозим.

Ўткир респираторли вирусли инфекцияларнинг олдини олиш борасидаги ҳаракатлар нафақат соғлиқни сақлаш органлари, балки аҳолига ҳам боғлиқдир. Ҳар бир киши жамият олдидаги ўз масъулиятини ҳис қилиши керак. Масалан, фарзандингизда касалликнинг биринчи аломатлари — томоқ қичиши, кўздан ёш оқиши, йўталиш, аксириш кузатилса, уни мактаб ёки боғчага юбормаслик керак. Биринчидан, бола уйда ота-онаси назоратида асоратсиз тезроқ тузалади. Иккинчидан, у мактабга ёки боғчага бормаса касалликни бошқа тенгдошларига юқтирмайди. Зеро, грипп ва ўткир респираторли вирусли инфекция юқумли касалликлардан бири ҳисобланиб, у ҳаво орқали юқади. Шу сабабли уйда бирор-бир киши касалланса, оиланинг бошқа аъзолари оддий гигиена қоидаларига қатъий риоя қилиши лозим. Унга алоҳида хона, идишлар, сочиқ ажратилиши ва у ётган хонанинг ҳавоси мунтазам алмаштирилиб, поли артиб турилиши керак.

Маълумки, вирусларга антибиотиклар ва бошқа шу каби препаратлар таъсир қилмайди. Шу муносабат билан биринчи навбатда, организмни инфекцияга қарши курашиши учун кучайтириш лозим. Бунинг учун витаминлар, шарбатлар, лимон, асал, пиёз, саримсоқ тавсия этилади. Шунингдек, оксолин мази ҳам касалликнинг олдини оладиган яхши восита ҳисобланади.

Яна шуни ҳам айтиш керакки, айрим хорижий тадқиқотчиларнинг маълумотларига қараганда, кузда оғир ўткир респираторли синдром номига эга бўлган ғайриоддий зотилжам касаллиги тарқалиши кутилмоқда. Йил бошида ушбу касаллик кўпгина мамлакатларни ваҳимага солиб қўйганди. Ғайриоддий зотилжам манбаининг ноаниқлиги унинг асосий сабаби эди. Энди эса у аниқланди. Бироқ ушбу касалликнинг тарқалиш хавфи мавжуд ҳудудда жойлашган барча мамлакатлар эҳтиёжини етарли даражада қондира оладиган ташҳис қўйиш аппаратлари ҳозирча ишлаб чиқарилмаган.

Ўзбекистон ҳукумати оғир ўткир респираторли синдромнинг тез тарқалиши ва қайталаш эҳтимолини ҳисобга олиб, 200 миллион сўм ажратди. Ушбу маблағларга республикамиз учун керакли миқдорда доривор воситалар ва вирусга қарши препаратлар харид қилинди. Шунингдек, бундай касалликка чалинган беморларга шошилинч ёрдам кўрсатиш учун тиббий ускуналар ҳам сотиб олинди. Ўтган мавсумда Ўзбекистон санитария ва эпидемиология хизматлари мамлакатимизга ушбу хавфли вирус кириб келишининг олдини олишга эришди. Биз бугун ҳам ушбу касалликка қарши курашишга шай ҳолда туришимиз керак ва бунинг учун барча зарур чора-тадбирлар кўрилмоқда. Шундай эса-да, ҳар бир киши оддий ҳақиқатни билиши, яъни гигиена қоидаларига риоя қилиши шарт. Зеро, соғлиғимизни асраш авваламбор ўзимизга боғлиқ.

***А. ИВАНОВА,***
***ЎзА мухбири.***

*СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ**СПОРТ*

# «КИЧИК ОЛИМПИАДА»ДАГИ КАТТА ҒАЛАБАЛАР

***ДУШАНБЕ. (ЎзА махсус мухбири Бехбуд БОТИРОВ хабар қилади).*** *14-20 октябрь кунлари Тожикистон пойтахтида бешинчи Марказий Осиё ўйинлари бўлиб ўтди. Халқаро Олимпия қўмитаси талаблари асосида ўтказилган мусобақаларда мамлакатимиз спортчилари тўқсон саккизта — 38 олтин, 39 кумуш ва 21 бронза медали жамғарди.*

Мухлис ва мутахассислар томонидан "Кичик Олимпиада" деб таъриф берилган Марказий Осиё ўйинлари дастлаб Президент Ислом Каримов ташаббуси билан Халқаро Олимпиа қўмитаси кўмагида 1995 йили Тошкентда ташкил этилган эди.

Душанбеда ўтган мусобақаларда ҳамюртларимиз спортнинг якка кураш турлари бўйича минтақада тенгсиз эканини намойиш этди. Айниқса, боксчиларимиз, эркин ва юнон-рум курашчиларимизнинг дадил ғалабалари юртимизда спортга жуда катта эътибор қаратилаётганини халқаро майдонда яна бир бор исботлади.



***СУРАТДА:*** *ҳамюртимиз Дилшод Орипов юнон-рум кураши бўйича олтин медаль соҳибига айланди.*
***«Жаҳон» АА олган сурат.***

**ФУТБОЛ**

# «ПАХТАКОР» ЯНА ЧЕМПИОН!



*Футбол бўйича ўн иккинчи маротаба ўтказилаётган Ўзбекистон миллий чемпионати олий лига баҳслари якунланишига уч тур қолганида мамлакат чемпиони аниқланди.*

27-турнинг марказий учрашуви Қарши шаҳрида Қашқадарёнинг етакчи жамоаси — "Насаф" ўз майдонида чемпионатнинг якка пешқадами — "Пахтакор"ни қабул қилди.

Учрашув пойтахтликларнинг хавфли ҳужумлари билан бошланди. Бешинчи дақиқада А.Солиев жамоадоши С.Жепаровнинг юқоридан узатган тўпини боши билан дарвоза тўрига аниқ йўллади — 0:1. Ҳисобда олдинга чиқиб олган "Пахтакор" футболчилари меҳмонда тўп суришига қарамай, ҳужумни бўшаштирмади. Лекин ўз мухлислари кўз ўнгида ўйнаган "Насаф" аъзолари ҳам бўш келмади. Мезбонлар бир нечта хавфли ҳужум уюштиришга муваффақ бўлди. Бироқ Б.Ҳайдаров, Д.Мавлонов, К.Кенжаев томонидан йўлланган зарбаларни Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси ва "Пахтакор" посбони И.Нестеров маҳорат билан қайтарди.

Умуман ўйин охирига қадар ҳар икки жамоада гол уриш учун етарлича вазият бўлди. Лекин футболчилар бундан унумли фойдалана олмадилар. Жиддий рақибдан уч очко олган "Пахтакор" яна муддатидан олдин мамлакат чемпиони бўлди.

Бу йил ҳам олтин ва кумуш медаллар соҳиби муддатидан олдин аниқланган бўлса-да, ҳали чемпионат якунлангани йўқ. Бирваракайига учта жамоа — "Навбаҳор", "Қизилқум" ҳамда "Насаф" бронза медали учун рақобатлашмоқда. Бу борада 26 та ўйинда 53 очко жамғарган наманганликларнинг имконияти юқорироқ. "Навбаҳор"дан биттадан кўп учрашув ўтказган "Қизилқум"да 52, "Насаф"да 51 очко бор.

Мутахассислар бронза медаль тақдири 28-турда "Қизилқум" ва "Навбаҳор"нинг Зарафшондаги ўзаро беллашувида ҳал этилишини таъкидламоқда.

Қуйи поғонада бораётган "Металлург", "Цементчи", "Қўқон", "Трактор" ҳамда "Гулистон" жамоаларидан иккитаси олий лигадан тушиб кетиши тайин. Келаси йили уларнинг ўрнида биринчи лигада яхши ўйин кўрсатиб, муддатидан олдин олий лига йўлланмасини қўлга киритган Жиззахнинг "Сўғдиёна" ва Тошкентнинг "Локомотив" жамоалари иштирок этади.

***Зоҳир ТОШХЎЖАЕВ,***
***ЎзА шарҳловчиси.***

# ЖАҲОН ЧЕМПИОНАТИГА ТАЙЁРГАРЛИК АВЖИДА



*Ўтган йили футбол бўйича Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси Осиё чемпионатида муваффақиятга эришиб, жаҳон чемпионатида иштирок этиш ҳуқуқини қўлга киритган эди. Эътиборли томони шундаки, бунгача ҳеч бир терма жамоамиз футбол бўйича жаҳон чемпионати финал қисмида қатнашмаган.*

Осиё чемпионатида ўз олдига қўйилган вазифани уддалаган Виктор Борисов шогирдларига қуръа бироз омадсиз келганди. Чунки футболчиларимиз жаҳон чемпионатида Испания, Аргентина ва Мали билан бирга "В" гуруҳидан жой олган. Мутахассислар бу гуруҳни "ажал гуруҳи" деб бежиз таъкидламаган. Сабаби Испания ёшлар терма жамоаси 1999 йилда, аргентиналиклар эса сўнгги тўртта жаҳон чемпионатининг учтасида олтин медалга сазовор бўлган. Мали ҳам Африкадаги футбол тобора ривожланиб бораётган мамлакатлардан. "Қора қитъа"да бу терма жамоанинг ўз ўрни ва мавқеи бор.

Октябрь ойида ёшларимиз Миср ва Қатар футболчилари билан ўртоқлик учрашувини ўтказиши лозим эди. Бироқ, ҳар икки терма жамоа ҳам Тошкентга келмади. Уларнинг ўрнига миллий чемпионат етакчиларидан бири — "Қизилқум" билан ўртоқлик учрашуви ташкиллаштирилди. Ушбу ўйин 2:2 ҳисобида якунланди. Терма жамоа шарафини ҳимоя қилган пахтакорчи М.Бикмаев ҳар икки гол муаллифи бўлди.

Жорий йилнинг 18 октябрь — 1 ноябрь кунлари Ҳиндистоннинг Ҳайдаробод шаҳрида Афро-Осиё ўйинлари бўлади. Айнан мана шу мусобақанинг футбол беллашувлари Ўзбекистон ёшлар терма жамоаси учун жаҳон чемпионати олдидан асосий ўқув-машғулот йиғини вазифасини ўтайди.

Ўзбекистон футбол федерациясидан олинган маълумотга кўра, Афро-Осиё ўйинларида Африкадан Камерун, Зимбабве, Буркина-Фасо ҳамда Руанда, Осиёдан Ўзбекистон, Эрон, Малайзия ва Ҳиндистон терма жамоалари икки гуруҳга бўлиниб қатнашади. Қуръа 18 октябрь куни ташланади. Гуруҳлардан энг кучли икки терма жамоа кейинги босқичда ўйнайди.

Ҳиндистонда футболчиларимиз Африканинг икки терма жамоасига қарши тўп суриши кутилмоқда. Агар жаҳон чемпионатида ҳам "қора қитъа" вакили — Мали билан куч синашишимизни инобатга олсак, бу ўйинлар В.Борисов шогирдлари учун фойдадан ҳоли бўлмайди.

***ЎзА.***

## Сканворд




*Тузувчи: Акромжон ХЎЖАМОВ.*

Биласизми?

## ТАОМНИ МАЗАЛИ, ТАНАНИ СОҒЛОМ ҚИЛАДИ

Ўрта асрларда оддий ош тузи шундай қимматбаҳо ҳисобланганки, уни олтин деб ҳам аташган. Ғарбнинг кўпгина шаҳарларида ҳам у катта аҳамиятга эга бўлган. Ҳаттоки туз орқали бойишган. Хўш, бугунчи? Тузсиз ишингиз битармикан?

«Саломатлик» институти вилоят филиали мутахассисларининг таъкидлашича, ош тузи ёки натрий хлорид ҳаётда жуда керакли кимёвий унсурлардан саналади. Бир киши бир кунда суюқлик ва туз мувозанатини ушлаши учун ўртача 2-3 литр суюқлик ва 6-8 грамм туз истеъмол қилиши керак экан. Гап шундаки, натрий хлорид ионлари тананинг турли таъсирларга қаршилигини таъминлайди ва соғлиғингизни тиклайди.

***Гўзал СОЛИЖОНОВА.***

Гиёҳвандлик — иллат

# НОЗИК ҚЎЛЛАРДАГИ ОҒУ

*Аср вабоси дея ном олган гиёҳвандлик бугунги кунда кўпроқ ёшларни ўз домига тортмоқда. Энг ачинарлиси, айрим нопок аёлларнинг ҳайбаракаллачилигию қутқуси билан ёш-ёш қизлар ҳам гиёҳвандлик моддалари билан ноқонуний муомала қилаётирлар.*

Тожикистонлик 16 ёшли Навбаҳор Бобожонова арзимаган пул эвазига 2 килограммдан кўпроқ героинни республикамизга олиб ўтаётганида, сергак милиция ходимлари томонидан қўлга олинди.

— Қўшни давлатдан биз томонга келаётган «ВАЗ-2106» русумли автомашина тўхтатиб текширилганда, — деди Бекобод шаҳар ички ишлар бўлими «Тоғ йўли» блок-постининг катта навбатчиси, милиция лейтенанти Бахтиёр Каримов, — орқа ўриндиқнинг тагига жойлаштирилган целофан халта эътиборимизни ўзига тортди. Унинг ичида оқ кукунсимон модда бор экан. Халтанинг эгаси Навбаҳор Бобожонова бу наркотик модда эканлигини яшириб ҳам ўтирмади.

Маълум бўлишича, Навбаҳор ушбу героинни тошкентлик Мукаррам ва Жонгул исмли аёлларга Қўйлиқ деҳқон бозори олдидаги автобекатда топшириши керак экан. Эвазига наркодастёрга 100 АҚШ доллари ваъда қилинган. «Пул дарди — кабоб» деб юрган бу диёнатсиз аёллар эндигина ҳаётга қадам қўяётган ўсмир қизчанинг умрини ҳам ўз манфаатлари йўлида издан чиқаришди.

— Гиёҳвандлик моддалари республикамиз ҳудудига кириб келишининг олдини олишда «Тозалаш», «Қорадори», «Тўсиқ», «Антитеррор» каби тадбирлар ўзининг яхши самарасини бермоқда,— деди шаҳар ички ишлар бошқармаси жиноят қидирув ва уюшган жиноятчиликка қарши кураш бўлими катта тезкор вакили, милиция катта лейтенанти Шуҳрат Абдурасулов.

Мисол учун ҳали 20 ёшга тўлиб улгурмаган Марҳабо исмли аёл 100 грамм героинни сотиш мақсадида ўзи билан олиб юрган вақтида зийрак ходимлар томонидан қўлга олинди. Шунингдек, бекободлик Мукаррам Мустафоқулова ҳам ўз шериги билан 506 грамм героинни контрабанда йўли билан Тожикистондан Ўзбекистонга олиб кираётганида милиция ходимлари томонидан ушланди. Ҳозирда мазкур ҳолатлар бўйича тергов ҳаракатлари олиб борилмоқда.

***Шерали АНВАРОВ,***
***вилоят ИИБ матбуот марказининг ходими.***

**Об-ҳаво**

Гидрометеорология Бош бошқармасининг хабар беришича, 22 октябрь куни Тошкент вилоятида ҳаво ўзгариб туради, айрим ҳудудларда ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 2-7, кундузи 15-20 даража иссиқ бўлади. Тоғли ҳудудларда вақти-вақти билан ёмғир ёғади. Ғарбдан секундига 7-12 метр тезликда шамол эсади. Кечаси 1 даража совуқ билан 4 даража илиқ, кундузи 7-12 даража иссиқ бўлади.

Ўзбекистон ёзувчилар уюшмаси Тошкент вилоят бўлимининг статистика гувоҳномаси йўқолганлиги сабабли
**БЕКОР ҚИЛИНАДИ.**

ТОШКЕНТ ҲАҚИҚАТИ
ТАШКЕНТСКАЯ ПРАВДА

*Муассис:*
**ТОШКЕНТ ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ**

Бош муҳаррир
**Фатҳиддин МУҲИДДИНОВ**

*Телефонлар:*
*Хатлар ва оммавий ишлар бўлими: 133-40-48*
*Эълонлар: 133-70-10, 136-53-54.*

*Манзилимиз:*
700000, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32.

Ўзбекистон Республикаси Давлат матбуот қўмитасида 8 рақами билан рўйхатга олинган.

Газета «Тошкент ҳақиқати» таҳририяти компьютер марказида терилди ва саҳифаланди.

● Эълон ва билдирувлардаги факт ҳамда далилларнинг тўғрилиги учун реклама ва эълон берувчилар масъулдир.

Ҳафтанинг чоршанба ва шанба кунлари чиқади. Буюртма Г-945. Адади 3617. Ҳажми — 2 табоқ, офсет усулида босилди, қоғоз бичими А-2. *Саҳифаловчи: Умиджон АБДУШОҲИДОВ.*

*"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида босилди.* Корхона манзили: "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй. Нашр кўрсаткичи — 205. Босишга топшириш вақти — 20.00. Босишга топширилди — 19.00. 1 2 3 4 5